Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 3 июнь
ЧОРШАНБА
№ 44 (12784)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Умид ниҳоллари – 2015

## ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

**Чирчиқ шаҳридаги республика Олимпия захиралари спорт мажмуасида мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари – 2015" спорт ўйинларининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди.**




Ушбу спорт байрамида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги мусобақаларда саралаган энг маҳоратли спортчи ўқувчилар иштирок этишди. Шаҳар ва туман терма жамоалари сафидан жой олган ўсмирлар ва қизлар бошқа спорт мусобақаларида ҳам бир неча бор ғолибликни қўлга киритишган.

"Кичик олимпиада" дея таърифланувчи "Умид ниҳоллари – 2015" мусобақалари ҳам бадиий ва спорт гимнастикаси, бадминтон, баскетбол, бокс, волейбол, дзюдо, енгил ва оғир атлетика, стол тенниси, сузиш, таэквандо, футбол, шахмат, эркин ва юнон-рум кураши, қўл тўпи каби 17 та спорт тури бўйича ўтказилди.

Спорт ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов ёш спортчиларни самимий табриклаб, уларга катта ютуқлар тилади.

– Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ёш авлодни соғлом, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш давлатимиз

(Давоми 2-бетда).



2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили



## СИҲАТГОҲГА ЙЎЛЛАНМА

**Ангрен шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази Кексаларни эъзозлаш йилида фахрийлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди.**

– Бу йил "Товоқсой" сиҳатгоҳига 5 нафар фахрийларимизни саломатликларини тиклаш учун йўлланма бердик, – дейди хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Назарова.

– Давлатимиз ва халқимизнинг ардоғида ҳаёт кечираётганимизга шукрлар айтаман, – дейди "Ёшлик" маҳалласида яшовчи меҳнат фронти қатнашчиси П. Алимова. – "Товоқсой" сиҳатгоҳига бориб дам олиб келиш насиб этгани учун чексиз миннатдорман.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Маънавият

## ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

**Инсоният яралибдики, ёнида йўлдошига, ҳамроҳига таяниб, бирга ҳаракат қилиш истагида яшайди. Бу одамзотга хос хусусият. Жамоавийлик асосида кўпчиликнинг истагини рўёбга чиқариш мақсади одамларга бошчилик қила оладиган кишиларга эҳтиёж туғдиради. Ҳаёт шундай турфа олам, турфа одамлар, уларга йўл кўрсатувчилар туфайли катта-кичик ўзанларни тўлдириб оқаётган дарё мисол давом этаверган.**

Тарихимиз бу борада дунёнинг бошқа бурчакларида яшайдиган халқларга ҳам ҳаёт китоби вазифасини ўтаб келаётгани шубҳасиз. Унинг саҳифаларини безаб турган Соҳибқирон Амир Темур давлатчилиги ҳали-ҳануз дунё тамаддунида ёрқин из қолдирган муҳим манба ҳисобланади. Бобомеросимиз "Темур тузуклари" тилга кирган Мустақиллик йилларида юртимиз ана шу буюк давлатчилик хосиятларидан куч олиб қад ростлади.

Энди шу 24 йиллик мўъжизавий тараққиёт йўлларида собитқадамлик билан давом этиш учун фидойи раҳбарлар, жонкуяр бошлиқлар фаолияти ниҳоятда муҳим.

Ўз вақтида Соҳибқирон бобомиз ҳам эл-юртни бошқаришда кексалар, устозлари ўгитига амал қилгани ҳақида шундай сатрлар бор: 1) кенгаш, 2) машварату маслаҳат, 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик, 4) эҳтиёткорлик... ("Темур тузуклари").

Инсонпарварлик тамойиллари устувор давлатимиз сиёсати шу жиҳатларга амал қилган ҳолда аниқ мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда. Уни дастуриламал қилган замонавий раҳбарларимизнинг саъй-ҳаракатлари Юртбошимиз таъкидлаганларидек, инсофу адолатга асосланган бўлиши керак.

Шу ўринда бир воқеани келтиришни жоиз деб билдик.

(Давоми 2-бетда).

## АҚЛ ВА ТАФАККУР ЗИЁСИ

**Тошкент Давлат аграр университети эрта тонгдан карнай-сурнай садолари ила меҳмонларни ўз бағрига чорлади. Атрофга кўрк ва салқинлик бахш этиб турган фавворалар, анвойи гуллар, тартиб билан жойлаштирилган китоб кўргазмалари, маънавий баркамолликка чорловчи турли шиорлар.**

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган жамоатчилик вакиллари, ижодкорлар, ёш китобсеварлар "Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор" шиори остида ўтказилган республика "Китоб байрами"ни хурсандчилик ва ҳамжиҳатликда нишонладилар. Шу куни вилоятнинг қатор шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган китоб дўконлари энг сара китоблар кўргазмаси ва сотувини ташкил этди.

– Юртимизда ўтаётган "Китоб байрами" ҳар томонлама соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга тадбир сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгалламоқда, – дейди вилоят ҳокимлиги котибият мудири Н. Қулбекова. – Бугунги кун ёшларининг илғор фикрли, интилувчан, юксак маънавиятли бўлиб улғайишларида, аввало, ақл ва тафаккур зиёси – китобнинг ўрни алоҳида.

Таниқли олим, шоир ва ёзувчилар иштирокида ўтказилган анжуманда Ўзбекистонда китоб яратиш ва ўқувчиларга етказиш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз юритилди. Суҳбат ва маърузалар шеърхонликка уланди. Ўз ҳаяжонларини янги ёзган шеърлари орқали ифода этган ҳаваскор қаламкашлар мушоиранинг фаол иштирокчисига айланишди.

Тадбир давомида бир гуруҳ фаол китобхонларга вилоят "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фондининг совғалари, анжуман иштирокчиларига тадбир ташкилотчилари томонидан китоблар совға қилинди.

Шунингдек, "Намунали китоб дўкони" кўрик-танлови ғолиблари ҳам диплом ва совғалар билан тақдирландилар. Танлов натижаларига кўра ангренлик Қосимжон Иброҳимов раҳбарлик қилаётган хусусий корхона 1-даражали, Йўлчи Муродов раҳбарлик қилаётган Пискент тумани китоб дўкони 2-даражали, Зулайҳо Ҳосилова раҳбарлик қилаётган Оққўрғон тумани китоб дўкони 3-даражали диплом ва совғалар билан тақдирландилар. Тошкент Давлат аграр университети китоб дўкони раҳбари М. Қораҳўжаева, "Шарқ зиёкори" нашриёти вилоят бўлими сотувчи-маслаҳатчиси Д. Холиқова рағбатлантирувчи мукофот совриндорлари бўлдилар.

– "Бугунги ёшлар китоб ўқимай қўйди", дейдиган айрим кимсаларнинг фикри асоссиз эканини ушбу тадбир яққол кўрсатди, – дейди танлов ғолиби Қ. Иброҳимов. – Ишонасизми, бир-икки соат ичида китобларимиз ўзларининг "ҳақиқий эгалари"ни топиб кетди. Тегишли ташкилотлар билан шартномалар ҳам туздик. Бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш керак.

"Китоб байрами"га вилоят маданият ва спорт бошқармаси қошидаги бадиий жамоаларнинг истеъдодли хонанда ва созандалари янада файз киритдилар.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ТЕЗРОҚ УЙҒОН, «БОЙЧЕЧАК»!»

**Газетанинг шу йил 16 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Паркент туманидаги "Бойчечак" оромгоҳининг болалар дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш мавсумига тараддуди суст экани баён этилганди. Таҳририят ушбу мақолага Паркент тумани ҳокими Ў. Алимов имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олди:**

«Танқидий мақолада кўрсатиб ўтилган камчилик ва муаммолар ҳақиқатда кўрсатилган манзилга чиқиб кўрилгандан ўз тасдиғини топди. Биринчи навбатда «Бойчечак ором» МЧЖ маъмурияти огоҳлантирилиб, зудлик билан мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Оромгоҳда 2015 йил ёз мавсумига ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси бўйича ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Болалар мароқли дам олишлари учун ётоқхоналар янги жиҳозлар билан таъминланди, тиббиёт бўлими, маънавият ва маърифат хоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилди, сузиш ҳовузлари, ёзги кино ва театр томоша қилиш жойларида таъмирлаш ишлари охирига етказилиб, янги жиҳозлар билан таъминланди.

Шунингдек, спорт майдони ҳамда атрофида кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, камчиликлар бартараф этилди. Ҳозирда оргомгоҳда 1200 нафар бола соғломлаштирилиши кўзда тутилган».

***Хатга бартараф этилган камчиликларнинг суратлари ҳам илова қилинган.***

Тадбиркорлик

## ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТ ЭКАН

**Синглим жиянига атаб совғалар жўнатибди. Бир-биридан чиройли кўйлаклар-у, ажойиб юбкалар. Ипакдек майин матоли кийимлар кўзни қувонтиради. Ҳа, чет эл маҳсулотларининг сифати зўр бўлади-да! Ёрлиғига қарасам, "TAKRO OSIYO" МЧЖ. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, деб ёзиб қўйилган.**

Кейин билсам Россия Федерацияси бозорларини эгаллаган бу маҳсулотлар Зангиота туманида ишлаб чиқарилаётган экан. Корхона мато тўқиш ва трикотаж болалар кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, маҳсулот 100 фоиз экспорт қилинади.

– Ўтган йили 1 миллион 36 минг АҚШ долларилик кийим-кечакларни экспорт қилдик, – дейди корхона раҳбари Камолиддин Ғиёсов. – Ҳозир 300 хил маҳсулот тайёрлаётган бўлсак, тез орада улар турини янада кўпайтириш ниятимиз бор. Бизнинг маҳсулот "Takroosiyo baby" ва "Takroosiyo kids" бренди билан машҳур.

"Takro osiyo" масъулияти чекланган жамиятининг Россия Федерацияси ва Беларусь Республикасида 250 дан ортиқ ҳамкорлари бор. Корхона маҳсулотларига Санкт-Петербург, Иркутск, Челябинск, Оренбург ва Минскда талаб катта.

– Бу бежиз эмас, чунки маҳсулот 100 фоиз пахтадан тайёрланади, – дейди технолог Ноила Шофеева. – Бизда тикилаётган кийимлар гўдаклар ва 14 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган. Янги туғилган чақалоқнинг териси жуда майин бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

### *қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ислоҳотларнинг муҳим босқичи*

Республика қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш беш тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фермер бой бўлса, мамлакат обод бўлади. Бу ибора мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда аграр соҳанинг ўрни беқиёс эканини англатади.

Дунё миқёсида шарт-шароитлар шиддат билан ўзгараётган, сув тошқини, қурғоқчилик каби табиий офатлар оқибатида айрим мамлакатлар қишлоқ хўжалигига катта зарар етаётган, яқин йиллар ичида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 40-50 фоиз ошиши башорат қилинаётган, умуман, дунё озиқ-овқат таъминотида бир қатор номутаносибликлар юзага келаётган бугунги шароитда мамлакатимизда ушбу муаммонинг олдини олиш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1990 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ўртача 0,2 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари тўғри келган бўлса, 2030 йилда фақат аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига жон бошига 0,12 гектар майдон тўғри келиши кутилмоқда. Бу келгусида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи янада муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Ислоҳотларнинг дастлабки даврида ўндан ортиқ хўжалик юритиш шакллари синовдан ўтказилиб, бугун фермер ва деҳқон хўжаликлари бозор шароитида ишлай олиш қобилиятини намоён этгани боис, барқарор ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан кўзланган бош мақсад, ернинг ҳақиқий эгасини топиш, ер-сув муносабатларини такомиллаштириб бориб, улардан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишдир. Шулар ҳисобга олиниб, деҳқон хўжаликларига ер муддатсиз ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан, фермер хўжаликларига узоқ йилларга ижарага бериш қонун билан белгилаб қўйилди.

Бугунги кунга келиб, изчил ислоҳотлар натижасида пахта майдонлари 1,3 млн. гектаргача қисқартирилиб, ғалла майдонлари 1,3 млн. гектарга етказилди. Янги боғ ва узумзорлар барпо этила бошланди, сабзавот, полиз ва ем-хашак экин майдонлари ҳам кенгайди.

(Давоми 2-бетда).

Умид ниҳоллари – 2015

# ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ



сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди, – деди ҳоким. – Вилоятимизда, жумладан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган замонавий спорт иншоотлари қурилди ва тубдан реконструкция қилинди. Эндиликда улар бир қатор спорт турлари билан йил бўйи мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу бежиз эмас, чунки биз, катталар фарзандларимизнинг бахтли бўлишларини, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб вояга етишларини хоҳлаймиз. Янада қувонарлиси шуки, бугунги кунда ушбу эзгу орзуларимиз рўёбга чиқаётганини амалда кўриб турибмиз. Ёшларимиз беистисно ҳамма соҳаларда юксак натижаларга эришмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари ўз самарасини аллақачон кўрсатди. Бундай спорт ўйинлари соғлом турмуш тарзини оммалаштириш имконини бермоқда. Энг муҳими, бу мусобақалар кўплаб ёш спортчилар учун катта спорт даргоҳлари сари кенг йўл очиб бермоқда ва улар эндиликда қитъа ва Жаҳон чемпионатларида, Осиё ва Олимпиа ўйинларида Ўзбекистон шарафини муваффақият билан ҳимоя қилмоқдалар.

Спорт ўйинлари якунига кўра, Чирчиқ шаҳри вакиллари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни қўлга киритдилар. Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов ғолиб жамоага республика Президентининг совғаси – "Дамас" автомашинасини топширди. Олмалиқ шаҳри жамоаси иккинчи, Янгийўл тумани вакиллари учинчи ўринларни эгаллашди.

Шунингдек, спорт ўйинлари давомида юксак натижалар кўрсатган ўқувчилар ҳам тегишли диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

"Умид ниҳоллари – 2015" спорт байрами машҳур спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъат усталарининг катта концерт дастури билан якунланди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маънавият

# ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

Фозилжон бугун уйига одатдагидек эртароқ қайтди – кайфияти тушкун, чорасизлик вужудини кемириб борарди. Аслида табиатан тўғри сўз, самимий, ўта камсуқум, меҳнаткаш, оққўнгил йигит ўз билими, ўткир зеҳни билан яқинлари, дўст-биродарлари, ҳамкасблари меҳри ва эътиборини қозонган, айниқса ота-онаси, оиласининг фахри эди у.

Лекин ҳаёт йўли ҳамиша ҳам текис, равон бўлавермас экан. У ортиқча ишонувчанлиги сабаб қоқилиб, юз тубан кетишига бир баҳя қолди. Яхшиямки, яхшилар кўп. Улар туфайли "жар" ёқасидан омон қайтди у... Унинг халоскори кўпни кўрган, оқил, доно бошлиғи бўлди. Ўз ходимини жуда яхши биладиган раҳбарнинг холис фикрлари кўпгина дилхираликларга чек қўйди. Бошлиғининг ишончи, самимий сўзлари Фозилжонга далда бўлди, қувват берди, йўлларини ёритди...

Бундай раҳбарлар ўз жамоасининг юзи, жамиятнинг таянчи экани шубҳасиз. Аммо ҳаётда бунинг акси ҳам учраб туради. Ношудлик, манманлик, худбинлик қалб кўзини кўр қилган кимсалар туфайли қанча-қанча умрлар хазон, тақдирлар кемтик, оилалар пароканда.

– Шу ходимнинг ишиям, гап-сўзиям ёқмайди менга, – деди бир корхона раҳбари ўринбосарига, – айтинг, аризасини ёзсин, тезроқ жойни бўшатсин. "Ишлайман" деганлар сон мингта...

Шусиз ҳам ҳаётидан кўнгли тўлмай, оиласи, умр йўлдошининг дийдиёлари, жанжалларидан тўйиб юрган ходим бошлиқдан ҳам яхши сўз эшитолмай, охир-оқибат ишдан бўшади-ю, аламини ичкиликдан ола бошлади. Яъни, жиноятнинг жин кўчалари уни ўз домига торта бошлайди...

Ҳақиқатан ҳам кўпчиликка бош бўлиш ниҳоятда масъулиятли. Ахир инсон тақдирига жавобгар бошлиқ ўзидан, ўзлигидан кечиб бўлса-да, ходимларига жонкуярлик қилади, маънан қўллаб, қалбларига қувонч бағишлайди. Бундайлар кўп орамизда.

– Бошлиғимиз жуда меҳрибон, бағри кенг инсон, – дейди бир ташкилот ходими тўлқинланиб. – Доим оиламиз, бола-чақамизгача суриштириб, ҳол-аҳвол сўрайди. Ҳеч қачон илтимосимизни эътиборсиз қолдирмайди. "Йўқ" деган сўзини, рад жавобини эшитмаганмиз... Лекин, талабчанлиги ҳам бор. Ишини виждонан бажармаганларни ҳурмат қилмай, эътибор бермай қўяди. Шунинг учун ҳам ҳуда-беҳудага безовта қилиш, дардимизни дастурхон қилаверишга тортиниб турамиз...

Бундай самимий дил изҳорлари эшитиладиган, соғлом маънавий муҳит ҳукмрон даргоҳ, албатта, гуллаб-яшнайверади, мутахассислар униб-ўсади, жамият тараққиётига муносиб улуш қўшади. Лекин, ишонч, муносабатларни суиистеъмол қиладиган ходимлар ҳам йўқ эмас, улар бошлиқларнинг бошини оғритадиган бедаво дардга ўхшайди. Бундай ҳолатлар, албатта, раҳбарлар фаолиятини қийинлаштиради. Доимо ўз манфаатини кўзлайдиган, атрофдагиларга беписанд қарайдиган худбин ходимларга чора кўриш ҳам раҳбарнинг вазифаси. Тўғри, бундай ҳаракат, албатта, ходимга маъқул эмас. Начора, раҳбарликнинг масъулияти ҳам шунда – адолат тарозисини тўғри тутиб туриш керак. Бунинг учун бошқарувчилик лаёқати, маҳорати зарур.

Одатда ўз фарзандлари ва набиралари исмларини эслаб қолиш қийинлигини кўп эшитганмиз. Аслида ҳар бир одамга, хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик, исмини айтиб мурожаат этиш бошлиқнинг энг яхши фазилати. Буни эътибор дейдилар. Қолаверса, раҳбарнинг кўриниши, ички-ташқи олами ходимларига таъсир ўтказмай қолмайди. Бир тадбирда коллеж ўғил-қизларининг кийиниши, муомала маданияти ҳақида яхшигина сўзлар бўлди. Аммо, бир ҳолат залда ўтирганларни ажаблантирди. Очиқ-сочиқ, калта-култа кийинишни танқид қилаётганлар ўзлари ҳам шунга амал қилишлари керак эмасми?! Ахир, ота-она, ўқитувчи, мураббий, умуман ёши катталар ўғил-қизларига, ўқувчиларига шахсий ибрат бўлса, шунингдек, раҳбар ўз ходимларига юксак маънавият намунасини кўрсатса, келажак авлод тақдири ҳақида хавотирланмаса ҳам бўлар деб ўйлаймиз.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркорлик

**Вилоятда асаларичилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Юқори Чирчиқ туманилик Рашид Габдуллин шуларнинг бири. Ўтган йили бу асаларичилар оиласи бир тоннадан ортиқ асал етиштирди.**

# АСАЛАРИЧИ ХОРИЖ БОЗОРИНИ КЎЗЛАЯПТИ

– Асаларичиликнинг ўзига хос гашти бор, – дейди Р. Габдуллин. – Бу оилавий анъанамиз, десам ҳам бўлади. Унинг давом этаётганига ярим асрдан ошди. Бошида асосан ўз эҳтиёжимиз учун асалари боқардик. Соҳага кенг йўл очилгач, оилавий корхона ташкил этиб, турмуш ўртоғим ва ўғлим билан ишни янада кенгайтирдик. Ҳозирги кунда 86 оила асаларини парваришлаяпмиз. Ариларни қиш мавсумидан беталафот олиб чиқдик. Ҳадемай уларни тоғ бағрига кўчирамиз. Келажакда асалимизнинг бир қисмини хорижга экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қуёш нурига тўйинган турли гуллардан олинган асалнинг шифобахшлиги ва қувватининг юқорилиги маҳсулотимиз харидоргирлигини таъминламоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**СУРАТДА:** Рашид ва Сакина Габдуллиналар иш устида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**



# ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТ ЭКАН

Шунинг учун биз кийимларнинг тикилиши ва чокларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Шундан бўлса керак, ISO 9001: 2008 халқаро стандартини олган корхона мунтазам Москва шаҳрида ўтказиладиган Халқ истеъмоли моллари кўргазмасида иштирок этиб, бир неча бор диплом билан тақдирланган.



Рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида корхонага Таиланд, Италия, Япония ва АҚШ давлатларидан технологиялар келтирилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам мақташга арзигулик. Ўтган йили умумий тушум 2 миллиард 89 миллион сўмни ташкил этган бўлса, шундан 182 миллиони соф фойда.

**Илмира ЛАЗИЗОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Томорқа – туганмас бойлик

# ИССИҚХОНАДА ХАНДОНПИСТА

**Бекобод тумани, Янгиқўрғон қишлоғилик Йўлдош Ёқубовнинг асли касби – қурувчилик. Табиатан тиниб-тинчимас бунёдкор бир пайтлар томорқасига иссиқхона қуриб, қишин-ёзин сабзавот етиштирарди. Пенсияга чиққач, иссиқхона билан жиддий шуғулланиб, саломатлик учун фойдали ва шифобахш хандонписта кўчатини етиштиришга киришди.**

Хандонписта Ўзбекистоннинг тоғолди, лалмикор ерлари, қиялик ва дашт шароитида энг самарали ўсимлик сифатида эътироф этилмоқда. Кўчатлари учинчи йили пайванд қилинса, бешинчи йили ҳосилга киради. Агар пайванд қилинмаса, етти йил кутилади. Пайванд қилинган бир туп писта 8-10 йилда 15 килограммдан 45 килограммгача ҳосил беради.

Писта кўчатларини кўчириб экиш мумкин эмаслиги сабабли, улар махсус полиэтилен тувакларда тайёрланиб, томирини қимирлатмай, доимий ўсадиган ерга экилади. У сувсизликка чидамли бўлиб, узоқ йил ҳосил беради, бўйи 8-12 метргача етади.

– Ҳозирги кунда иссиқхонамизда 1100 тупдан ортиқ хандонписта кўчатлари етиштираяпмиз, – дейди Й. Ёқубов. – Мақсадимиз – туманимизнинг камсув ва лалмикор ерларида келажакда катта даромад берувчи пистазорлар барпо этишга кўмаклашиш. Чунки, у одамларга дармон бўладиган тансиқ мевалар сирасига киради. Аммо, кўзланган мақсадга етишиш учун бир неча йил кутиш зарур.

Хандонписта кўчатлари махсус "контейнер" (қўлда ясалган узун полиэтилен тувак)ларга экиб қўйилган экан. Кўчат етилгач, уни ўраб турган юпқа плёнка кесиб олинади ва далада тайёрланган махсус чуқурчаларга ўтказилади. Шунинг учун экишдан аввал бошқа жойга кўчирилмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Иссиқхонани кўздан кечирар эканмиз, барқ уриб турган субтропик ўсимликлар – пальма, банан, лимон, мандарин, сариқ ва қизил дўлана, арча каби кўчатлар эътиборимизни тортди. Отахоннинг айтишича, киви уруғи ҳам экилган бўлиб, унинг кўчатини етиштириш бўйича тажриба ўтказилмоқда. Шунингдек, лимон таъмини берувчи, қон босими ва бошқа бир қатор касалликларга шифо бўлувчи япон беҳиси мевага кириш арафасида. Бу ердаги турфа гуллар ҳам кишининг баҳридилини очади.

**Каримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ДЎКОН

**Шахсий бизнесини йўлга қўйиб, оиласи ва эл-юртга наф келтираётган ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. Қибрайлик Абдулазиз Саидов шуларнинг бири. Яқинда унинг саъй-ҳаракати билан "Дархон" маҳалласида замонавий савдо дўкони ишга туширилди. Энди маҳалла аҳолиси марказга қатнаб юрмай, зарур озиқ-овқат ва бошқа истеъмол молларини шу дўкондан харид қилишлари мумкин.**

– Юртимизда биз каби ёшларнинг шахсий бизнесини юритиши учун барча шароитлар яратилмоқда, – дейди Абдулазиз Саидов. – Банкдан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Бу Тошкент Давлат аграр университетида ўқиш билан бирга бизнес фаолиятимни йўлга қўйиш учун катта имконият бўлди. Яқин кунларда дўкон ёнида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳам бунёд этмоқчиман.

**Юлдуз ИСАЕВА.**

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

1994 йили "Дон мустақиллиги Дастури" қабул қилингани бир вақтнинг ўзида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Чунончи, сиёсий жиҳатдан мамлакатимизнинг дон сотиб олиш учун бошқа мамлакатга иқтисодий қарам бўлишига йўл қўйилмади, аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳал бўлди, давлат ун ва ун маҳсулотлари нархи ошиб кетишининг олдини олди.

Ижтимоий жиҳатдан деҳқонлар иш жойлари билан таъминланди. Чорвачиликни ривожлантириш ва ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиб, қўшимча даромад олиш имкони пайдо бўлди, халқнинг эртанги кунга ишончи ошди.

Иқтисодий жиҳатдан мамлакат валюта захирасини сақлаб қолиш ва уни бошқа зарур соҳаларга ишлатиш имкони яратилди. Донни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга реал талаб пайдо бўлди.

Дунёда озиқ-овқат нархи ошиб, кескин етишмовчилик бўлиб турган бугунги кунда бир неча йиллар олдин узоқни кўзлаб, нақадар тўғри қарор қабул қилинганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳозир дунёдаги 86 та давлат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди.

Пахтачиликда қўлланилаётган технологиялар асосида ҳосилни сентябрь-октябрь ойларида териб олишга эришилмоқда. Нав танлашда ҳам бозор талабига устуворлик берилиб, унга жавоб берадиган навлар экилмоқда. Жаҳон пахта бозорида республикамиз учун фойдали конъюнктура шаклланиши барча ишларни жаҳон андозалари асосида олиб боришга ундамоқда. Ғўза навларини танлашда ҳам бозор талаби биринчи ўринга қўйилмоқда. Жаҳон бозори ва саноат талабига жавоб бермайдиган навлар давлат реестридан чиқарилмоқда.

Ўтган даврда иқтисодий ислоҳотлар асосан муҳим йўналишларда амалга оширилди. Хусусан, Ер ислоҳоти бўйича таъкидлаш жоизки, 2004 йилдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги барча соҳаларида ерлардан фойдаланишнинг ижара шакли жорий этилди. Ерлар 30 йилдан 50 йилгача ижарага берилиши белгилаб қўйилди. Бунда пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг энг кам майдони 30, сабзавотчилик, боғдорчилик йўналишида эса, 5 гектар қилиб белгиланди. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш, ўз маблағи ҳисобидан янги ер ўзлаштирилганда қўшимча иқтисодий рағбатлантириш тизимлари жорий этилди.

Сувдан фойдаланиш масаласида ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-ҳудудий принципидан ҳавза принципига ўтилди, республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва Фарғона водийси бўйича битта бирлаштирилган диспетчерлик марказига эга бўлган магистраль каналлар тизими бошқармаси ташкил этилди. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун Сув истеъмолчилари уюшмаларини ташкил этилди.

Молия-кредит ва солиқ соҳасида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни молиялаштиришда имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди. Бу кредит фермер хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан "оёққа туриб олишига" ёрдам беради. Чунки кўп йиллардан бери Марказий банк қайта молиялаш ставкасини 9-14 фоиз миқдорида белгилаётган, йиллик инфляция ўртача 6,5-7 фоиз даражасида башорат қилинаётган ҳозирги шароитда 3 фоизли кредит фермер хўжаликлари учун жуда қулай ҳисобланади. Ваҳоланки, Францияда фермер хўжаликларига бериладиган кредитларнинг йиллик ставкаси 3,75-8,25 фоиз, Австрияда 4,6-5,9 фоиз, АҚШда 4-5 фоиз.

Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар ерларнинг сифати, баллбонитетига боғлиқ бўлган ягона ер солиғини тўлаш тизимига ўтказилди. Таққослаш учун, Ўзбекистонда ягона ер солиғи ставкаси ернинг меъёрий иқтисодий баҳосининг ўртача 6 фоизи ҳажмида белгиланган бўлса, Қозоғистонда 20 фоиз, Қирғизистонда эса ер солиғидан ташқари қишлоқ хўжалиги корхоналари фойда солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи тўланади.

Республикада ишлаб чиқарилган техника воситаларини лизингга бериш тизими жорий этилиб, фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредит тизими яратилди. Уларга техника сотиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш учун қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи ва ундан кам йиллик ставка билан кредитлар бериш тартиблари ишлаб чиқилган.

Нарх-наво масалаларида давлат сотиб оладиган пахтанинг нархини жаҳон бозоридаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларини инобатга олган ҳолдаги баҳоси бўйича юзага келган ижобий фарқни фермер хўжаликларига тўлаб бериш юзасидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат харид қилаётган ғалла нархини минтақавий бозорлардаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган бўғинлардаги мавжуд ҳолатни атрофлича таҳлил қилиб, аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштириш, фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома мажбуриятлари тўла бажарилишини таъминловчи тамойилларни жорий этиш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес, тадбиркорлик, қишлоқ жойларда саноатни, айниқса касаначиликни янада ривожлантириш, бозор ва ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Келгусида бундай ислоҳотларнинг давом этиши мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

**Улуғбек ОХУНОВ, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фармон ва ижро

# ХУСУСИЙ МУЛКДОРЛАР МАНФААТИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш чора-тадбирлари дастури белгиланган.**

Дастурда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсиқлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш ва бизнес муҳитини яхшилаш кўзда тутилган.

Шунингдек, 2015 йилнинг 1 июлидан микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда ўтказилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони "Ўздавнефтгазинспекция" ва унинг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими зиммасига ҳам аниқ вазифалар юклайди. Шуни ҳисобга олиб, Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳудудий бўлимимизнинг барча мансабдор шахсларига етказилди ва улар томонидан рефератлар ёзилиши таъминланди.

Кенгаш тасдиқлаган текширишлар режа-жадвалига асосан шу йил 1 июлдан кейинги даврда олдинги режали текширишга 4 йил тўлмаган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари ҳамда 3 йил тўлмаган бошқа хўжалик юритувчи субъектлардаги текширишларни режа-жадвалдан чиқариш масаласи ўрганиб чиқилиб, бу борада таҳлил, нормативлар ва ишларни ташкил этиш бўлимига таклифлар берилди.

2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларида молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар 10 кундан ошмаган муддатда ўтказиладиган бўлди.

**Жамол САЛИМОВ, "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими бош технологи вазифасини бажарувчи.**

Китоб жавонингизга

# ҲАЁТ ҲАҚИДА МУШОҲАДАЛАР




**Бекободлик Анорқул Рустамов автомобилсоз-муҳандис. Узоқ йиллар автокорхоналарда, қишлоқ хўжалиги билим юртида масъулиятли лавозимларда ишлаган. Мустақилликнинг дастлабки даврида – 1992 йили биринчилардан бўлиб чорвачиликка ихтисослашган "Тонг" фермер хўжалигини ташкил этди. Ҳозиргача уни оқилона бошқариб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланмоқда.**

А. Рустамов турмуш тажрибаси ва ҳаётий кузатишлари асосида ёзилган фалсафий мақолалардан иборат "Тонг қўшиғи" (2009 йил), "Фикрлаш сабоқлари" (2011 йил) китобларини нашр этган эди. Яқинда "Янги аср авлоди" нашриёти муаллифнинг "Оилани қандай бошқариш керак?" номли янги китобини босмадан чиқарди.

Китоб мазмунан тўрт қисмдан иборат бўлиб, дастлабки қисми "Оила бахти" деб аталади. "Таълим-тарбиянинг нозиклиги шундаки, – деб ёзади муаллиф, – агар у саёз бўлса, оилага ғам-ташвиш келтиради. Ҳаёт тажрибасига таянган ҳолда қўлланган тарбия оилани мустаҳкамлайди, аҳиллик, шодлик, фаровонлик инъом этади". Шу тариқа муаллиф Оила тарбиясининг айрим жиҳатларига тўхталиб, уни таҳлил қилиш ва хатолардан сабоқ чиқариб, тўғри йўлдан бориш учун нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида фикр-мулоҳаза билдиради.

"Арзандалик иллати" мақоласида болага ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйиш ва меъёридан ортиқ меҳрибонлик кўрсатишнинг оқибатлари баён этилади. Айниқса, айрим ота-оналарнинг мол-дунё, бойлик топаман деб фарзанд тарбиясига эътибор бермаётгани охир-оқибат боланинг бузилишига олиб келиши фалсафий мушоҳадалар орқали уқтирилади. "Оила ва иқтисод" мақоласида пулнинг қудрати, бойишнинг сирлари, оила инқирозининг иқтисодиётга боғлиқлиги, оила бахти эса тўғрилик ва ҳалолликда экани ишончли далиллар ва ҳаётий мисоллар асосида изоҳланади.

Биз шартли равишда иккинчи қисм деб номлаган "Юрак ҳақида фалсафа" бўлимида ташқи омилларнинг руҳиятга таъсири, кайфиятни кўтариши, қўрқувнинг салбий оқибатлари, тушкунликдан чиқиш йўллари ҳақида сўз боради. Юракни, руҳиятни асрашнинг энг осон йўли ишонч дея хулоса чиқаради муаллиф: "Ишонч кўнгилнинг калитидир. Ишончнинг қудрати шуки, танага таъсир қилаётган унсурлар, воқеалар кучини икки-уч баравар кучайтиради. Шундай экан, ишонч туйғуси ҳеч бир инсонни бевақт тарк этмасин."

Ўз соҳасининг етук билимдони бўлган А. Рустамов китобга фермерлик фаолиятига оид қизиқарли мақолаларни ҳам киритган. "Фермернинг уч бойлиги" мақоласида фермернинг мулки – ер, ишлаб чиқариш воситалари – ишчи кучи ва бошқарув ҳақида фикр юритилиб, уларни самарасиз ишлатиш фермер хўжалигининг инқирозига сабаб бўлиши айтилади. Хўжалик иқтисодини юксалтириш сирлари ишончли тарзда баён этилади.

Китобдан ўрин олган "Эҳтиёт тумори", "Қора илон" ва "Баҳор яна қайтади" номли ҳикояларда муаллифнинг ҳаётий кузатишлари ҳосиласи бўлган таъсирли воқеалар жой олган. "Соғлом фикрлар"даги қисқа фалсафий мушоҳадалар ўқувчини ўйлашга, ҳаёт йўлини таҳлил қилиб, сабоқ чиқаришга ундайди.

Анорқул Рустамовнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланиб, яхшигина тиражда чоп этилган ушбу асари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

**Карим МАВЛОН.**




## НЕТАНЯХУ ФАЛАСТИННИ ТАН ОЛМОҚЧИ

**Исроил бош вазири Бинямин Нетаняху Фаластин давлатини тан олишга тайёр эканини билдирди ва Фаластин томонини музокараларни қайта бошлашга чақирди.**

"Интерфакс" тарқатган маълумотда айтилишича, бош вазир Германия ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер билан учрашуви чоғида журналистларга шу фикрни баён этган. "Мен икки давлат ва икки миллат, яъни Исроил давлатини тан олувчи демилитаризация қилинган Фаластин давлати ўртасида узоқ муддатли тинчлик ўрнатишнинг ягона йўли улар концепциясини амалга оширишдир, деган ғоя тарафдориман", деди у. Шунингдек, у Германия вазирига илтимос билан мурожаат қилиб: "Уларга айтинг, музокаралар столига қайтишлари, ҳеч қандай шарт-шароитларни рўкач қилмай, музокара олиб боришлари лозим", деди.

Дунёдаги 135 мамлакат Фаластинни давлат сифатида эътироф этган.

## АНАНАС ИЧИДА АЖАЛ УРУҒИ

**AFP агентлиги Испания ички ишлар вазирлиги баёнига таяниб тарқатган хабарда мамлакат полицияси кемадаги ананаслар ичига 200 килограмм кокаин гиёҳвандлик моддаси жойлаштирилганлигини аниқлади.**

Ушбу ажал уруғи Марказий Америкадан Испаниянинг Алхесирас шаҳри портига келган кемадаги мевалар ортилган контейнердан топилди. Маълум бўлишича, ананасларнинг ичидаги юмшоқ жойи ўйиб олиниб, кокаин жойлаштирилган экан.

Текширувлар шуни кўрсатдики, ушбу гиёҳвандлик моддалари Мадрид ҳамда Сан-Кирзедел-Валес шаҳарларидаги иккита компанияга тегишли экан. Ҳар икки ташкилотни асл келиб чиқиши колумбиялик бўлган Испания фуқаролари бошқаради. Айни пайтда шу ишга алоқадор уч киши қўлга олиниб, тергов қилинмоқда.

Гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчилар уни мевалар орасига яшириб, олиб ўтишга биринчи бор уринишлари эмас.

## ДАВЛАТ КОТИБИ ВЕЛОСИПЕДДАН ҚУЛАДИ

**АҚШ давлат котиби Жон Керри Францияга расмий ташрифи давомида велосипед миниб бораётиб, кутилмаганда йиқилиб тушди ва оёғини синдириб олди.**

Reuters агентлиги мамлакат давлат департаменти расмий вакили маълумотига таяниб хабар қилишича, айни пайтда Жон Керри Женевадаги шифохонада ётибди. Ушбу ҳодиса муносабати билан у Мадридга ташрифини бекор қилди. Бунинг ўрнига у "даволаниш учун Америкага жўнайди". Агентликнинг таъкидлашича, Жон Керри ҳақиқий велосипед ишқибози экан. У чет элларга расмий ташрифи жараёнларида кўпинча, шахсий велосипедини ўзи билан олиб бораркан. Маълум қилинишича, ушбу велосипед давлат котибига 10 йилдан бери хизмат қилаётган экан.

## УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ҚИММАТГА ТУШАЯПТИ

**Европа мамлакатларида кейинги беш йил давомида уй ҳайвонлари, асосан ит ва мушуклар эгаларига умумий ҳисобда 1,5 миллиард фунт зарар келтирибди.**

Ушбу маълумотларни келтирган Британиянинг Mirror нашрининг таъкидлашича, одамларнинг "тўрт оёқли дўстлари" инглизларга энг кўп зарар келтираётган экан. Нашрнинг таъкидлашича, ушбу зарар мамлакат бўйича 358 миллион фунтга етибди.

Маълумотларда келтирилишича, ит ва мушуклар кўпроқ телефон аппаратлари, планшет ва ноутбукларни ишдан чиқаришаётган экан. Хусусан, Британиядаги уйларнинг 14 фоизида шундай вазият кузатилган. Тадқиқот учун сўров ўтказилган 16 минг хонадон эгаларининг тасдиқлашига кўра, улар ит ва мушуклар келтираётган зарарни қоплашга ниҳоятда кўп пул сарфлашга мажбур бўлишаётган экан.

## ЯПОНЛАР ИШГА ШОРТИКДА КЕЛИШАЯПТИ

**Япония вазирликлари амалдорларига ёзнинг жазирама кунлари ишга гавай кўйлаклари ҳамда енгил пойабзалларда келишга рухсат берилди.**

Энди амалдорлар сентябрь ойининг охиригача ишхоналарига енгил, рангдор гавай кўйлаги, қисқа қилиб кесилган шим ва ёзги пойабзалларда қатнашлари мумкин.

Бироқ, рухсат берилганига қарамай, ўтган душанба куни мамлакат ҳукумати аъзолари иш жойларига костюм-шимда келишди. Бош вазир Синзо Абэ ва мудофаа вазири Гэн Накатани, ҳатто бўйинбоғ тақиб олишганди.

"Енгил кийим" компанияси Японияда 2005 йилда жорий этилган эди. Ўшанда июндан то сентябрь охиригача костюм киймаслик, галстук тақмаслик мумкин дейилганди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг таъкидлашича, бу хоналардаги кондиционерларни мақбул даражага мослаштириш имконини беради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Муҳокама учун мавзу

# НАРХИНИ СЎРАМАГАН ЭКАНМИЗ...

– Кеча қудалар келиб, тўй кунини белгилаб кетишди, – деди дугонам Камола қўнғироқ қилиб.

– Табриклайман дугонажон. Ким экан у пешонаси ярқираган?

– Бугун кўришайлик, келин кўйлак танлаймиз, ўшанда айтиб бераман.

– Намунча шошасан, дам олиш куни борайлик.

– Яхши кўйлакни олдиндан банд қилиш керак. Ахир тўй мавсуми бошланди.

Тушлик баҳона дугонам билан машҳур келин кўйлаклари салонларидан бирига бордик. Бизни қарши олган қиз: "Мана бу кўйлакни фалончи хонанда, бунисини фалон бойваччанинг қизи кийган", деб мақтай бошлади. Танлаганларимизни Камола кийиб кўрди. Униси ундоқ, буниси бундоқ. Ниҳоят, кўнглидагиси топилди. Нархини сўрамаган эканмиз, эшитиб, оғзимиз очилди:



– Янгиси 8 минг доллар, чет элга буюртма қилинади, кийилганиям бор, уни арзонроқ қилиб берамиз.

"И-е, 8 минг долларга яп-янги "Матиз" берадику? – хаёлдан ўтказдим. – Бу кўйлакнинг нима каромати борки, нархи бунча қиммат?"

Буни қаранг, кетар чоғимизда, кийиб кўрилган 6 та кўйлак учун 60 минг сўм сўраб олишди. Кўйлакларни кийиб кўриш ҳам пуллик экан. Бошқа салонга бордик, Камолага ёқадигани чиқмагач, 30 минг сўм тўлаб кетдик.

Кейин билсам, Камола ўша 8 минг долларлик кўйлакни киядиган бўпти. Ярмини куёв, қолганини дадаси тўлармиш... Таажжуб, нари борса, 5 соат давом этадиган тантана учун шундай қиммат кўйлак кийилса-я?

"Хўрозқанд чет элники деса, ётиб ялашади" деган гап бекорга айтилмаган экан. Умуман олганда, тўй либоси оқ бўлиши шартми? Етти рангнинг жилоси акс этган атлас, беқасам ва адрасларимиз унинг ўрнини боса олмайдими?

Шу савол билан бир ўғил уйлантириб, икки қизини узатган қўшнимиз Ҳалима аяга мурожаат қилдим.

– Кўпчилик оқ кўйлакни маъқул кўриши бежиз эмас. Чунки у поклик рамзи, – дедилар ая.

Балки шундайдир. Бироқ, сўнгги йилларда қаймоқ ранглиси урфга кираётгани сир эмас...

Тарихий манбаларга кўра, оқ ранг узоқ йиллар давомида аза ва мотамни ифодалаган. Шунинг учун тўй либоси қизил, яшил ва бошқа рангли матолардан тикилган экан. 1499 йилда Франция қироличаси Анна Бретонская Людовик XIIга турмушга чиққанида, оқ рангдаги кўйлак кийгани учун аҳоли орасида "журъатли аёл" номини олган. XIX асрга келиб, ўзига тўқ оилаларнинг қизларигина оқ рангли кўйлак кияди, деган қараш пайдо бўлди.

Қизиғи шуки, қизлар ўртасида сўровнома ўтказиб, кўпчилиги нима учун оқ кўйлак кийишларини ўзлари ҳам билмасликларига амин бўлдик. Айримлари: "Бу тўйнинг белгиси, бахт рамзи" десалар, қолганлари: "Ҳамма кийгани учун-да", дейишдан нарига ўтмадилар.

Биз оқ кўйлак кийиш шарт эмас, демоқчимасмиз. Фақат уларнинг нархи, бичими, шаклу шамойили ҳақида тўхталмоқчимиз. Бир тасаввур қилиб кўринг, ёру биродар, қавму қариндош йиғилган тўйхонага келин-куёв кириб келишаяпти. Табиийки, келин меҳмонларга эгилиб салом қилади. Кўйлакнинг елка, бўйин ва олди қисми очиқ... Шундай вазиятда уялиб, эл-юрт олдида хижолат бўлган келинларни ҳам кўрганмиз.

Кўр-кўрона ўзгаларга тақлид қилиб, ярим яланғоч кийиниш оммавий маданиятнинг кўриниши эмасми? Бир қарашда маданиятдек туюлган бу маданиятсизликка эргашиш тўғрими? Ахир азал-азалдан Шарқда ахлоқий мезонлар – ор-номус, андиша, шарму ҳаё, ибо, иффат каби тушунчалар муҳим саналган.

Халқимиз ўзининг миллий урф-одати, анъаналари, шарқона одоб-ахлоқи билан дунёга танилган. Биз шундай бой маданиятимиз, юксак маънавиятимизни сақлаган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга ибрат бўлишимиз керак аслида!

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

*Гулдаста миллий либосдаги қиз учун!*

Одамийлик шеваси

# МЕҲР – КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

Саксонга чиққан қўшним бир коса сумалак кўтариб кириб келди.

– Кеча қизларим, келин, набираларим йиғилишиб, сумалак пиширишди. Сенга ҳам олиб чиқдим. Болам, яхши ният қилгин-да, татиб кўр.

Кекса аёлнинг меҳрибончилигидан юрагим ҳаприқиб кетди. Дарров косадаги сумалакдан татиб кўрдим.

– Бунча ширин бўлмаса, ҳали бундай мазали сумалак емагандим.

Сўзларимни эшитган момонинг сералжин юзларига табассум ёйилди.

– Жон болам-а, мен унга бутун меҳримни қўшиб пиширганман-да, – дейди жилмайиб.

Набираси тенги қизга сумалак илинган фариштадек аяни бағримга босдим-да, бунчалар тафтлисан меҳр, дея шивирладим.

"Меҳр кўнгилнинг малҳами. Савоб эса эзгулик калитидир, болам. Ҳамиша ён-атрофингдагиларга меҳрли бўл", дея кўп такрорлардилар отам раҳматли.

Катта йўл четида нуроний чол қўлида оғир юк билан аста-секин одимламоқда. Атрофида ўнлаб одамлар ўз ишлари, юмушлари билан банд. Машиналар ғир-ғир ўтиб турибди. Ҳеч кимнинг отахон билан иши йўқ.

– Юкингизни беринг, ёрдамлашиб юбораман, – дея чолнинг қўлидан халтани олди нотаниш кимса.

Оғир юкдан халос бўлган отахон қаддини ғоз тутди-да, қўлларини дуога очди.

– Болам, мен кексанинг оғирини енгиллатмоқчи бўлдинг-у, ўзингга жабр қилдинг, қийналиб қолмайсанми?

Бир қўли йўқ нотаниш йигит бир оз ўнғайсизланди-ю, "йўқ", дея илдамлади.

Суҳбатлашиб манзилга етиб келган бу икки нотаниш йўловчи худди эски қадрдонлардек хайрлашишди. Танимаган одамидан меҳр кўрган чолнинг юзидаги миннатдорчилик туйғуси сизга таниш. Унинг исми – Яхшилик! Ўзи ярим жон бўлса-да, одамийликни бурчи деб билган йигитнинг чеҳрасини ёритиб юборган туйғунинг номини ҳам биласиз. У – Савоб!

Бу туйғулар бугунги кунда кимлар учундир эскиргандек туюлар. Аслида-чи, одамийлик, эзгулик, савоб, мурувват, яхшилик инсонни инсон олдида қаддини, қадрини тиклайдиган туйғулардир.

Маҳаллада ишлайдиган маслаҳатчи опахон билан тадбирда учрашиб қолдик. Маҳалласида савобталаб инсонлар борлигини, яқинда бир ҳожи онахоннинг маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларга қилган мурувввати ҳақида мамнуният билан сўзлаб берди. Яна бир ҳамширамиз боқувчисини йўқотган қўшнисининг ўғлини никоҳ тўйини ўтказиб берганлигини, бошқа бир савобталаб инсон эса уч фарзанди билан бева қолган аёлнинг нураб ётган деворини қайта тиклаб бергани – бу ҳақиқий маънода яхшиликдир, дегинг келади.

Кимдир ёнгинасида мункайиб юк кўтариб кетаётган кимсага кўзи тушса-да, кўрмаганликка олар. Яна кимдир ночор, кўмакка муҳтожларга ёрдам қўлини чўзмас. Бу уларнинг виждонига ҳавола. Лекин атрофимизда шундай инсонлар борки, кимнидир бемаврид оқаётган кўзёшини артиб қўйгиси, ўксик қалб эгасини кўрса, унга малҳам бўлгиси келади. Чунки биз меҳрли халқмиз. Юқорида айтиб ўтган савоб, саховат, яхшилик туйғулари аждодларимиздан бизларга мерос бўлиб келмоқда. Атрофга теранроқ назар ташланг, кимдир сизнинг ёрдамингизга муҳтож. Қўлингиздан келса яхшилик қилинг. Сиз мурувват кўрсатган инсоннинг чеҳрасидаги қувончни кўрасиз. Ана шу қувонч ортида эса сизга, бизга ва бошқаларга таниш туйғу – кўнгилнинг малҳами бўлган меҳр товланиб турганини ҳис қиласиз. Шунда исмингдан айланай, меҳр, дегингиз келади.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

Бу – қизиқ



Одатда, қанд еган болаларнинг қўли шира бўлиб қолади ва улар ўйлаб ҳам ўтирмасдан қўлларини кийимларига артишади. 1958 йилда Энрике Бернат қандларни чўпга ўрнатишни ўйлаб топади ва Chupa Chups дунё юзини кўради. Қанднинг қоғози ва логотипини эса машҳур рассом Сальвадор Дали яратган.

• • •

1911 йилда 28 ёшли Фрэнк Марс тўплаган пулларига хотини билан биргаликда ширинлик дўкони очади. Дўконда асосан турли қандлар сотиларди.

Бир куни Марс ўғли билан кўча айланиб юрганида бола ундан шоколад сотиб олиб беришини сўрайди. У пайтларда шоколад кукун ҳолида сотиларди. Одамлар учун бу ноқулай эди, чунки иссиқда тезда эриб кетадиган шоколад қўл ва кийимни расво қиларди. Шу пайт Фрэнк "балки" дея ўйланиб қолади ва бу "балки" шоколадни бўлак-бўлак қилиб фольга қоғозга ўраб сотишга айланади.

Оқибатда бир неча кун ичида Milky Way деб номланган шоколад батони янги корхонанинг энг харидоргир маҳсулотига айланади. Компания маҳсулотлари эса ранг-баранглашиб, бутун дунёдаги ширинликсеварларнинг севимли маҳсулоти сифатида эътироф этилмоқда.

• • •

Мактабда бор-йўғи олти йил ўқиган Гарлан Сандерс 40 ёшга етганида ўнлаб ҳунарларда омадини синаб кўришга улгурганди. У шиналар сотган, гўлаҳлик қилган, ҳарбий соҳада ишлаган, кондукторлик, фермерларга ёрдамчилик, ҳаммоллик ва яна кўплаб соҳаларда фаолият кўрсатган, аммо ҳеч омади юришмаганди. Оила қашшоқликда кун кечирар, лекин хотини эрининг ишлари юришиб кетишига ишонарди. 1930 йилда Сандерс автоустахона очади. Тез орада у устахона ёнида мижозлар учун мўъжазгина ошхона ҳам қуриш кераклигини тушунади. Уйидан битта хонани у ошхона учун ажратади. Овқатни уйда ўзлари тайёрлашади. Тез орада унинг устахонаси қовурилган жўжаси билан бутун штатга танилади. Мижозлар унинг устахонасига машина тузаттириш учун эмас, балки қовурилган жўжа егани келишарди. Етти йилдан сўнг у Sanders Court & Cafe ресторанини очади. 1950 йилга келиб эса Сандерс тайёрлаган қовурилган жўжалар АҚШдаги юзлаб ресторанларда сотила бошлайди.




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3055. Адади 13728. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.